

MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR

№6

ILMIY ELEKTRON JURNALI





ISSN: 2181-3965
VOLUME 6
TOSHKENT 2026

“MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR” ILMIY ELEKTRON JURNALI TAHRIRIYAT KENGASHI RAISI

Sharipov Qo‘ng‘irotboy Avezimbetovich – tahririyat kengashi raisi. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rektori, texnika fanlari doktori, professor

TAHRIRIYAT KENGASHI

Mehmonov Sultonali Umaraliyevich – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, O‘quv ishlari bo‘yicha birinchi prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Abdurahmanova Gulnora Qalandarovna - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Karimova Komila Daniyarovna - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Yoshlar masalalari va ma’naviy-marifiy ishlar bo‘yicha birinchi prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Xudoyqulov Sadirdin Karimovich - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Hududiy ta’lim masalalari va markazlar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Sindarov Sherzod Egamberdiyevich – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Infratuzilmalarni rivojlantirish va iqtisod ishlari bo‘yicha prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

To‘lqin Zakirovich Teshabayev –iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Saparov Aktam Jo‘rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori

Islamkulov Alimnazar Xudjamuratovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Pardayev Abdunabi Xoliqovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Kuziyev Islomjon Ne’matovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Baymuratov Tursunbay Maxkambayevich – iqtisodiyot fanlari nomzodi, professor

Omonov Akrom Abdinazarovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Jumayev Nodir Xosiyatovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, – O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Fan, ta’lim, madaniyat, sport va yoshlar masalalari qo‘mitasi raisi

Haydarov Nizomiddin Hamroyevich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Raviprakash G. Dani – Xalqaro ta’lim konsultanti, professor (AQSH)

Bagautdinova Nailya Gumerovna – Qozon federal universiteti Boshqaruv, iqtisodiyot va moliya instituti direktori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Rossiya Federatsiyasi)

Sharifzoda Mu’min Mashokir – Tojik davlat huquq, biznes va siyosat instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Tojikiston Respublikasi)

Maley Elena Borisovna – Polotsk davlat universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent (Belarus Respublikasi)

Asif Mahbub Karim – Malayziya Menejment va tadbirkorlik universiteti professori (Malayziya qirolligi)

Piter Xayk – Yevropa amaliy fanlar va menejment instituti ilmiy ishlar bo‘yicha prorektori (Chexiya Respublikasi)

Yavuz Demirel – Kastamonu universiteti professori (Turkiya Respublikasi)

Jo‘rayev Abdug‘affor Safarovich – Termez agrotexnologiyalar va Innovatsion rivojlanish instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Ismanov Ibroxim Nabiyevich – Farg‘ona politexnika instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Xayriddinov Azamat Botirovich – Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti prorektori iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent

Tashnazarov Samiddin Nizamovich – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Nurmanov Ulug‘bek Anorbayevich - Bank-moliya akademiyasi “Buxgalteriya hisobi va audit” kafedrasi professori, iqtisodiyot fanlari doktori

Yakubova Nargiz Tursunbayevna – iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Mamatov Baxadir Safaraliyevich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qiyosov Sherzod Uralovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Urazaliyev Kamoliddin Tajikulovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Teshayev Zavqiddin Jabbor o‘g‘li – Qarshi davlat universiteti Turizm va marketing kafedrasi dotsenti, iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

Hazratqulov Shahboz Boboqul o‘g‘li – Qarshi davlat universiteti Iqtisodiyot kafedrasi dotsenti, iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

JURNAL TAHRIRIYATI

Saparov Aktam Jo‘rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori, dotsent

Avlokulov Anvar Ziyadullayevich – ilmiy muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Aliqulov Mehmonali Salohiddin o‘g‘li – mas’ul muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Buxorova Moxira Samandarovna – muharrir

O’zbekiston Respublikasi OAK Rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 364-son qarori bilan “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali iqtisodiyot fanlari bo’yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiyalari yuzasidan assosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro’yxatiga kiritilgan.

“**Moliyaviy texnologiyalar**” ilmiy elektron jurnali 23.11.2022-yildan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan **№R-566966** reyestr raqami tartibi bo‘yicha ro‘yxatdan o‘tkazilgan.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 5

MUNDARIJA			
1.	Jumayev Akbar Mahmudovich	Turizmning hududiy iqtisodiyotdagi o‘rni va joylashtirish resurslaridan foydalanish samaradorligini statistik baholash	8
2.	Mamutova Amina Raxmetovna	Qurilish tashkilotlarida zamonaviy va ananaviy usullarda xarajatlarni hisoblashning usullari	14
3.	Нурматова Насиба Шерзодовна, Гозиев Ризоиддин Чулпонович	Экономическая роль Узбекистана как стратегического партнера в Центральной Азии	23
4.	Amatov Azizbek G‘ayrat o‘g‘li	Tijorat banklarida aktiv va passivlarni boshqarishda obligatsiya emissiyasining o‘rni: likvidlik, muddatlar nomuvofiqligi va qayta moliyalash risklari	29
5.	Saitkulov Suxrob Shavkatovich	Budjet tashkilotlarida ichki auditning natijadorligini baholash ko‘rsatkichlari tizimini takomillashtirish	36
6.	Kulboyeva Nargiz Majitovna	Tijorat banklari faoliyatini transformatsiyalashuv jarayonini takomillashtirish	43
7.	Alimqulov Hikmatulla Bahrom o‘g‘li	Prognozdan ortiq soliq tushumlarini hududiy budjetlarda qoldirishning tabaqalashtirilgan mexanizmi	52
8.	Jo’rayev Shoxrux Yunusali o’g’li, Temirova Dilshoda Erkin qizi, Togayev Salim Sobirovich	Loyiha boshqaruvida Scope creep muammosi: sabablari, oqibatlari va oldini olish mexanizmlari	61
9.	Djurayeva Iroda Bahrom qizi	O‘zbekistonda institutsional islohotlar samaradorligini xalqaro boshqaruv indikatorlari asosida baholash	68
10.	Otaxonov Komilxon Saidolim o‘g‘li	Oliy ta’lim muassasalarining iqtisodiy barqarorligini kompleks baholash metodologiyasini takomillashtirish	73
11.	Tillaxo‘jayeva Sadoqatxon Shuxrat qizi, Ungarbayeva Aynura Baxtiyer qizi, Togayev Salim Sobirovich	Loyiha boshqaruvida xaridlar va manfaatdor tomonlar bilan ishlash	80
12.	Mexmonaliyev Abbosjon G‘ayratjon o‘g‘li	“Yashil” loyihalarni moliyalashtirishda moliyaviy-ekologik skoring modelini joriy etish mexanizmini takomillashtirish	88
13.	Shovkatov Nodirjon Ne’matjon öğli	Özbekistonda köçmas mulkni ommaviy baholaşning institutsional va metodologik asoslarini takomillaştiriş	95
14.	Jo‘rayev Isroil Ibrohimovich	Tijorat banklari faoliyati transformatsiyalashuvining bank xizmatlari raqobatbardoshligini oshirishdagi roli	103

15.	Tadjibekova Dilnoza Baxtiyarovna	Fintex to‘lov servislarining (Payme, Click, Uzum) moliyaviy inklyuziyani kengaytirishdagi roli va ahamiyati	112
16.	Davranov Odil Jumanazarovich	Surxondaryo viloyatida ovlangan baliqlar hajmi ko‘rsatkichlarini arima modeli yordamida prognozlashtirish	124
17.	Tashxodjayeva Sevara Yarashevna	HR-brendingning paydo bo‘lish shart-sharoitlari va asosiy tushunchalarining shakllanishi	135
18.	Shaislamova Nargiza Kabilovna, Zohidova Ruxsora Komiljon qizi	O‘zbekistonda islomiy moliya asosida investitsiya faoliyatini rivojlantirish yo‘nalishlari	141
19.	Сабирова Лола Шавкатовна	Взаимосвязь экономических и этических основ Узбекского предпринимательства	152
20.	Baxriyev Dilshod Rizvonkulovich	O‘zbekistonda raqamli to‘lovlar va moliyaviy texnologiyalar bozorining rivojlanishi: tendensiyalar, xatarlar va tartibga solish yo‘nalishlari	158
21.	Mamarajabov Abdisamad Saidmurot o‘g‘li	Bojxona auditida tanlov mexanizmlari va ichki nazoratni baholashning ilmiy-amaliy jihatlari	166
22.	Qilichev Sanjarbek Javlonbek o‘g‘li	Sug‘urta kompaniyalarining investitsion jozibadorligi iqtisodiy mohiyati va uni shakllantiruvchi omillarning nazariy-metodologik asoslari	173
23.	Mamatov Baxadir Safaraliyeviç	Özbekistonning xalqaro investitsiyaviy hamkorligini rivojlantirişning iqtisodiy mexanizmlari va ustuvor yönalişlari	183
24.	Ruziyev Baxtiyor Salimboyeviç	Özbekiston tijorat banklarining moliyaviy holatini topologik ma’lumotlar tahlili usulida baholaş	193
25.	Bo’riboyeva Zamiraxon Ravshan qizi	Yengil sanoat tarmoqlarida investitsiya loyihalarini moliyalaştiriş: muammolari va ularni hal etiş yöllari	202
26.	Арипов Нодир Салимович	Рақамли трансформация минтақа иқтисодиётини барқарор ривожлантириш омили сифатида	213
27.	Маматов Ахметжон Атажанович	Миллий иқтисодиётни тадқиқ этишнинг илмий-назарий асослари ва уни трансформациялаш омиллари	220

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Арипов Нодир Салимович
Мустақил тадқиқотчи
Қарши давлат техника университети
E-mail: nodiraripov845@gmail.com
ORCID: 0009-0004-9413-900X

Аннотация. *Мақолада рақамли трансформациянинг минтақа иқтисодиёти барқарор ривожланишини таъминлашдаги тутган ўрни ва рақамли ахборот технологияларнинг минтақа иқтисодиёти ривожланишига таъсири очиб берилган.*

Калит сўзлар: *Рақамли Ўзбекистон - 2030, электрон ҳукумат, ахборот технологиялари, тармоққа тайёргарлик индекси, механизм, рақамлаштириш, стратегия, давлат, технологиялар.*

ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ КАК ФАКТОР УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ РЕГИОНА

Арипов Нодир Салимович
Независимый исследователь
Каршинский государственный технический университет
E-mail: nodiraripov845\@gmail.com
ORCID: 0009-0004-9413-900X

Аннотация. *В статье раскрывается роль цифровой трансформации в обеспечении устойчивого развития экономики региона, а также рассматривается влияние цифровых информационных технологий на развитие региональной экономики.*

Ключевые слова: *«Цифровой Узбекистан – 2030», электронное правительство, информационные технологии, индекс сетевой готовности, механизм, цифровизация, стратегия, государство, технологии.*

DIGITAL TRANSFORMATION AS A FACTOR IN THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF THE REGIONAL ECONOMY

Aripov Nodir Salimovich
Independent Researcher
Karshi State Technical University
E-mail: nodiraripov845\@gmail.com
ORCID: 0009-0004-9413-900X

Abstract. *The article explores the role of digital transformation in ensuring the sustainable development of the regional economy and examines the impact of digital information technologies on regional economic development.*

Keywords: *“Digital Uzbekistan – 2030”, e-government, information technologies, Network Readiness Index, mechanism, digitalization, strategy, state, technologies.*

Кириш

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакат ва унинг минтақалари иқтисодиётини хом ашё экспортига йўналтирилган модел бўйича ривожланишдан юқори қўшилган қийматга асосланган юқори сиғимли инновацион товарлар ва ҳизматларни ишлаб чиқариш стратегиясига ўтмоқда. Ўзбекистонда барқарор ривожланиш концепциясининг

ушбу йўналишда амалга оширилиши иқтисодий, экологик ва ижтимоий ривожланишни чамбарчас боғлаш ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш имконини беради. Минтақалар иқтисодиётини барқарор ривожланишини тадқиқ этиш фанлараро ёндашувни талаб қилади.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Агар биз саноатда – электроника ва электротехника, биокимё ва полимерлар, фарматсевтика, машинасозлик каби юқори қўшилган қиймат яратадиган соҳаларни ривожлантириш; хизматларда – ИТ, сунъий интеллект, финтех, консалтинг, транспорт-логистика каби катта даромад келтирадиган сервисларни кўпайтириш; қишлоқ хўжалигида – унумдорликни ошириш учун биоинженериядан кенг фойдаланиш, илғор агротехника ва сув тежайдиган усулларни фаол қўллаш; иқтисодий ўсиш ва экологик барқарорлик ўртасидаги мувозанатни таъминлаш учун “яшил” энергетика, чиқиндисиз ишлаб чиқаришга ўтиш; таълим ва тиббиётда – сифатни янги босқичга олиб чиқадиган илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш учун янги технологияларни олиб кирсак, кадрларни илм-фан ва инновацияларга асосланган замонавий касбларга тайёрласак, келгуси беш йилда иқтисодиётимиз ҳажмини 240 миллиард доллардан оширишга барча имкониятларимиз бор[1]”.

Адабиётлар шарҳи

Минтақа иқтисодиётини трансформациялаш омиллари назарияси хорижий иқтисодчилар Дж.Форрестер, Х. Г. Эстрич, В. Эвкен,Ж.М. Кейнс., Д. Норт, О. Бем-Баверк, К. Поланйи, Ф. Хайек A.B.Adams, Э.Сото, Г.С.Беккер ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Минтақалар иқтисодиётини барқарор ривожланишини тартибга солиш механизмини рус олимларидан В.Г. Мохов, Э.Б. Олеиник, Н.В. Пахомова, Н.Б. Пинягин, И. Адизес, В.Г. Антонов, Б.С. Батаева, Ю.С. Богачев, А.А. Богданов, Э.А. Боркова, Н.В. Василенко, С.А. Дятлов, А.Б. Камишова, А.В. Катасонов, О.В. Козҳевина, Э.М. Коростйшевская, М.А. Летовалцев, С.В. Макар, О.С. Сухарев ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикасида миллий иқтисодиёт ва унинг минтақаларини барқарор ривожлантиришнинг институционал асосларини такомиллаштиришнинг илмий-назарий жиҳатлари республикамиз олимларидан Ўлмасов А., Маматов А.А., Асатуллаев Х.С., Тожибоева Д., Турсунов Б.О.Абулқосимов Х.П., Абдурахмонов Қ.Х., Вахобов А.В., Жўраев Т.Т., Расулев А.Ф, Расулев Т.С., Вахобов А.В., , Тўхтабоев Ж.Ш., Қобилов Ш.Р ва бошқаларнинг илмий -тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган.

Минтақа иқтисодиётини барқарор ривожланишида трансформация механизмини К.Полани “минтақанинг иқтисодий хўжалик тизимини барча ижтимоий тузилмалар билан ўзаро алоқадорликда содир бўладиган иқтисодий жараёнларнинг ижтимоий тизимнинг элементи сифатида изоҳлайди[2].

Рус олими Э.Г. Ясин минтақа хўжалик тизимини иқтисодий муносабатлар субъектларининг хулқ моделларини иқтисодий тизимнинг элементи сифатида қараб, “иқтисодий тизимни ялпи аниқ ўзаро боғлиқ хўжалик шакллари, бошқарув усуллари, муайян ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келадиган иқтисодий хатти-ҳаракатларнинг стереотиплари” [3] деб таърифлайди.

Миллий инновацион тизимини минтақада фаолият кўрсатиш моделида хусусий мулк тамойилларини рўёбга чиқариш, мулк ҳуқуқини ҳимоялашни ифода этувчи давлат ва инновацион инвестицион корхоналарнинг ўзаро боғлиқлиги сифатида акс эттирилган. А.Хуррамовнинг фикрича, давлатнинг асосий иқтисодий вазифаси – бу, мулк ҳуқуқини алоҳидалаштириш, унинг қонуний кафолатларини ва шунингдек товарлар бозори агентлари ўртасида қонуний битимларни амалга оширишда вужудга келадиган мулк ҳуқуқи борасидаги ўзгаришларни ҳимоя қилишдан иборатдир[4].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида диалектик, тизимли, интеграл ва синергетик ёндашувлар,

иқтисодий, мантиқий, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, эконометрик таҳлил, индукция ва дедукция, қиёслаш, умумлаштириш, гуруҳлаш ва жадвал усулларидан фойдаланилади.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳоннинг етакчи мамлакатларида рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотнинг 4-5%ини таъминлайди, жаҳондаги савдо алоқаларининг 15%и унинг ҳиссасига тўғри келади. Бугунги кунда ривожланаётган дунё ҳамжамиятида рақамли иқтисодиёт жуда катта аҳамият касб этмоқда. Дунё бўйлаб кўплаб ҳукумат ва корхоналар COVID-19 пандемиясининг катта инсоний ва иқтисодий зарари фонида мўтадил иқтисодий барқарорликни ушлаб туриш учун рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича кўплаб ислоҳотлар амалга оширмоқда[5].

Бугунги кунда глобллашув жараёни жадаллашиб, минтақалар ўртасидаги интегratsion жараёнлар тобора шиддатли тус олаётган даврда иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида ҳамда инсонлар ҳаётида рақамли технологияларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Ушбу жараён эса жамиятларнинг анъанавий иқтисодий моделлардан янги иқтисодий консепсияга, яъни рақамли иқтисодиётга ўтаётганлигини асослайди. Ўзбекистонда ва унинг минтақаларида рақамли иқтисодиёт нисбатан тез суръатлар билан ривожланмоқда. 2020 йил октябрь ойида ҳукумат рақамли инфратузилмани, электрон ҳукуматни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни рақамлаштириш, миллий IT секторини яратиш ва IT таълимни кучайтириш мақсадида «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини қабул қилди.

Мамлакатимизда қабул қилинган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегия доирасида “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари ички бозорини янада ривожлантириш кўзда тутилган. Шунингдек, республиканинг барча ҳудудларида IT-парклар ташкил этиш ва ушбу соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш режалаштирилган. Ушбу чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг рақамли соҳадаги мавқеини мустаҳкамлаш ва мамлакатнинг 2030 йилгача барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган.

Рақамли иқтисодиёт - бу минтақа иқтисодиётини фаолиятини юритиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёни асосини рақамлар кўриншидаги маълумотлар ташкил этишини англатади. Яъни бу катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва шу қайта ишлаш натижасини таҳлил қилиш ёрдамида ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, технологиялар, қурилмалар, сақлаш, маҳсулотларни етказиб бериш асосида иқтисодийотга олдинги тизимдан самаралироқ ечимлар тадбиқ қилишдир. Бошқача қилиб айтганча, рақамли иқтисодиёт бу онлайн хизматлар кўрсатиш, электрон тўловларни амалга ошириш, онлине савдо, краудфандинг ва бошқа турдаги соҳаларни рақамли компютер технологияларини ривожланиши билан боғланган фаолиятдир.

Ўзбек олимлари С.Гулямов, Р.Эргашев, С.Хамраев, О.Абдуллаев, А.Фаттахов, К.Ахмедов, Р.Аюпов ва Г.Балтабаев[6]. каби олимлар томонидан миллий хўжаликда рақамли технологияларнинг ўрни, барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда ахборот технологиялар аҳамияти, блокчейн технологиялар ва унинг иқтисодиёт тармоқларидаги аҳамияти, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда рақамли иқтисодиёт кансепсиясини жорий этиш заруриятига оид илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ўзбекистонда ва унинг минтақаларида рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши миллий хўжаликда қуйидаги афзалликларни вужудга келтириши мумкин:

- ишлаб чиқаришда меҳнат самадорлигини ошиши;
- компанияларнинг рақобатбардошлигини ўсиши;
- ишлаб чиқаришдаги ҳаражатларнинг камайиши;
- янги иш ўринлари яратилиниши;
- янги замонавий касблар пайдо бўлиши;

● камбағалликни енгиш ва ижтимоий тенгисизликни йўқолиши.

Тадқиқотларга кўра ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ривожланиши билан иқтисодий фаровонлик ўртасида яқин боғлиқлик мавжуд. Чунки бугунги кунда АКТ инноватsiяларни ривожлантириш, меҳнат унумдорлиги ва рақобатбардошликни оширишда етакчи ўрин тутади, иқтисодиётни диверсификация қилади ва тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантиради, шу орқали аҳоли турмуш даражасининг ошишига хизмат қилади. Тармоқга тайёргарлик индекси давлат ва хусусий сектор етакчилари томонидан ўз сиёсатини таҳлил қилиш ҳамда ахборот жамиятини ривожлантириш борасидаги тараққиётини мониторинг қилиш воситаси сифатида қўлланилиши лозим. Индекс АКТ ривожланиш даражасини 62 та назорат кўрсаткичи асосида ўлчаб беради, ушбу кўрсаткичлар тўртта асосий гуруҳга бирлаштирилган:

1. Технологиялар.
2. Инсон капитали.
3. Бошқарув.
4. Таъсир.

Индекстинг ҳисоб-китоб қисми халқаро институтларнинг статистик маълумотлари, шунингдек, тадқиқот объекти бўлган мамлакатларда ҳамкор ташкилотлар тармоғи билан ҳамкорликда ўтказиладиган раҳбарлар хулосаларини ҳар йиллик мажмуали сўров натижалари асосида амалга оширилган. Якуний ҳисоботда барча кўрсаткичлар ягона тармоққа тайёрлик индексига бирлаштирилади. Жаҳон рейтингидаги ўринни аниқлашда барча мамлакатлар ушбу Индекс асосида рейтингда жойлаштирилади — рейтинг жадвалидаги биринчи ўрин мазкур кўрсаткичнинг энг юқори қийматига, охирги ўрин эса энг паст қийматига тўғри келади.

1-жадвал.

Жаҳон ва МДҲ давлатларида тармоққа тайёрлик индекси (НРИ) 2025 йил[7].

Жаҳондаги ўрни	Давлатлар	Рейтинги
1	АҚШ	78.71
7	Швейцария	73.73
8	Буюк Британия	73.57
9	Германия	73.54
16	Франция	67.70
41	Россия	55.74
52	Белорусия	52.64
61	Қозоғистон	50.52
81	Ўзбекистон	44.87
86	Қирғиз Республикаси	44.16
106	Тожикистон	41.13

2025 йилдаги “Тармоққа тайёрлик индекси” маълумотларига кўра, Европа, Америка, Осиё, Тинч океани минтақасидаги мамлакатлардан 10 таси тараққиётга эришиб, уларнинг иқтисодиёти тармоқ тайёргарлиги бўйича етакчилик қилмоқда. Хусусан, энг яхши 25 давлат орасида 16 таси Европа асосан Шимолий Ғарбий Европа, бештаси Шарқий, Жануби-Шарқий Осиё жумладан, Сингапур, Корея Республикаси, Хитой, Гонконг ҳамда Япония, иккитаси Океаниядан Австралия ва Янги Зеландия мамлакатлари, иккитаси Шимолий Америкадан Канада ва АҚШ давлатларидир.

Финляндия муҳим муваффақиятга эришиб, 2022 йилда 7-ўринни эгаллаган бўлса 2025 йилга келиб 4 поғона юқорилаб 3-ўринга кўтарилган. Қуйидаги қаторларни мос равишда 4 ва 5 ўринларни Нидерландия ва Швеция эгаллаган. Бу натижалар уларнинг тармоққа тайёрлиги ва рақамли технологиялардан самарали фойдаланишини кўрсатади.

2024 йили Ўзбекистон илк бор “Тармоққа тайёрлик индекси” рейтингига киритилди ва рейтингда 44 балл билан 82-ўринни эгаллади. 2025 йилга келиб Ўзбекистон 44,87 бал

билан ўз имкониятларини яхшилаб жаҳон рейтингида бир поғонага кўтарилиб 81 ўринни эгаллади. Бу ўзгаришлар Ўзбекистонда ва унинг минтақаларида ахборот технологиялари ва тармоқ тайёргарлиги ривожланишидаги баъзи ижобий ўзгаришларни кўрсатади. Ушбу рейтингда Қозоғистон 61-ўрин, Қирғизистон 86-ўрин, Тожикистон 113-ўринни эгаллаган. Маълумотларга кўра ушбу рейтингда 2019 йилги ҳисобот билан солиштирганда Қозоғистон ўз ўрнини 60-ўриндан 61-ўринга тушган, яхшилаган, Қирғизистон 91-ўриндан 86 -ўринга яхшилаган, Тожикистон ҳам ўз позициясини яхшилаб 113 ўриндан 106-ўринга кўтарилган. Рейтингда АҚШ ва Сингапур ўзларининг юқори ўринларини сақлаб қолишган ва ўтган йилга нисбатан мос равишда 1 ва 2- ўринларни эгаллаб турибди. Таъкидлаш жоизки, Россия 41-ўринни эгаллаб, ўз кўрсаткичларини яхшилашда давом этмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиш индекси— бу АКТ соҳасидаги ривожланишни акс эттирадиган, мамлакатлар ютуқларини баҳоловчи йиғма кўрсаткичдир. Индекс ҳисоб-китоби БМТ таркибидаги ихтисослаштирилган тузилма — Халқаро электр алоқа иттифоқи (Интернатионал Телесоммунисатион Унион) методологияси асосида амалга оширилади ва у АКТ соҳасида жаҳон стандартларини белгилаб беради.

Индекс 2007 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, у Халқаро электр алоқа иттифоқи томонидан АКТ ривожланишини баҳолашда қўлланиладиган 11 та кўрсаткич асосида тузилган. Индекс ушбу кўрсаткичларни ягона мезонга бирлаштиради ва дунё мамлакатларининг АКТ соҳасидаги ютуқларини солиштириш, таҳлил этиш учун глобал, минтақавий ва миллий даражада фойдаланилиши мумкин бўлган восита сифатида хизмат қилади.

2-жадвал.

Жаҳон ва МДҲ давлатларида ахборот-коммуникatsiя технологиялари ривожланиш индекси (2025 йил) [8].

Жаҳондаги ўрни	Давлатлар	Рейтинги
1	Қувет	100.0
2	Финляндия	98.1
3	Эстония	97.9
10	АҚШ	96.7
23	Буюк Британия	93.6
40	Россия	90.6
42	Қозоғистон	90.1
44	Франция	89.8
53	Қирғиз Республикаси	88.3
58	Германия	87.8
75	Ўзбекистон	84.9

Тадқиқот муаллифлари таъкидлашича, бугунги кунда АКТ ривожланиш даражаси давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий фаровонлигини белгилаб берувчи энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт ҳозирги мавжуд соҳаларнинг ярмидан кўпроғида беқиёс ўзгаришлар келтириб чиқариши таъкидланмоқда. Жумладан, Жаҳон банки экспертлари фикрича, тезкор интернетдан фойдаланувчилар сонининг 10 фоизга кўпайиши миллий иқтисодиётда ЯИМ ҳажмини ҳар йили ўртача 0,4-1,4 фоизга ошириш имконини беради. Дунёда рақамли иқтисодиёт ўсишининг суръатлари йилига деярли 20 фоизни ташкил этмоқда. Тараққий этган давлатларда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 7 фоизга етган. Улар ҳозирнинг ўзида рақамли иқтисодиётнинг жорий қилинишидан жуда катта наф кўришмоқда.

Тадқиқот натижаларига кўра, 2027-йилга келиб глобал ЯИМнинг чорак қисми рақамли соҳада бўлишини тахмин қилинмоқда. Лекин, халқаро ахборот коммуникatsiя технологиялари ривожлантириш индекси бўйича Ўзбекистон 170 дан ортиқ давлат ичида 103-ўринни эгаллаб туришининг ўзи мамлакатимизда бу соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар ва қилиниши лозим бўлган ишлар кўплигидан далолат беради. Тадқиқотлар

шуни кўрсатадики, АКТ билимларни яратиш ва улардан фойдаланишда кенг қўлланилиши лозим, чунки улар билимларни ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмол қилувчилар учун ҳам хизмат қилади. Биринчи гуруҳга ахборот-коммуникация технологиялари, илм-фан ва илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ), таълим, юқори технологик ишлаб чиқариш, нано ва биотехнологияларни (мутахассислар, муҳандислар, илмий ходимлар, дастурчилар, дизайнерлар, профессор-ўқитувчилар ва ҳоказолар) киритиш мумкин. Жаҳонда инноватsion тараққиётда рақамли секторнинг улуши ошиб бормоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари мамлакатлар ўртасидаги яқинроқ экологик муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилиши аниқланди. Атроф-муҳит мониторинги ва назорати муаммоларини ҳал қилиш учун рақамлаштириш тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Рақамли иқтисодиёт ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш самарадорлигини ошириш, ресурслардан янада оптимал фойдаланиш ва “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришга ёрдам беради.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши билан бандлик тузилмасида ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, анъанавий касблар аста-секин автоматлаштирилган ва рақамли технологиялар томонидан алмаштирилмоқда, бу эса айрим иш ўринларининг йўқолишига олиб келмоқда. Шу билан бирга, янги технологиялар ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ янги иш ўринлари пайдо бўлмоқда. Хусусан, дастурчилар, таҳлилчилар, рақамли маркетинг мутахассислари каби касбларга талаб ошмоқда. Бироқ, рақамли иқтисодиётга ўтишда меҳнат бозорида малакали ишчи кучига бўлган талабни қондириш мақсадида, рақамли кўникмаларга эга бўлмаган аҳоли қатлами учун махсус қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этиш зарур.

Ахборот коммуникациясининг ривожланиши рақамли иқтисодиётнинг ўсишига ва электрон тижорат ҳажмининг ошишига катта туртки бериши мумкин. Ахборот коммуникацияси, жумладан интернет тармоқларининг кенгайиши, интернет тезлигининг ошиши ва барча фуқаролар учун интернетдан фойдаланиш имкониятларининг кенгайтирилиши охир-оқибат рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ва оммавийлашувига олиб келади. Шу сабабли, мамлакатимизда ахборот коммуникациясини ривожлантириш ва рақамли инфратузилмани мустаҳкамлаш келгусида рақамли иқтисодиётни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши Ўзбекистонда аҳоли турмуш фаровонлигининг яхшиланишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Рақамли хизматлардан фойдаланиш ва рақамлаштириш жараёнлари натижасида иқтисодий самарадорлик ошмоқда, ресурслар тежаб қолиняпти ва аҳоли учун қулайликлар яратилмоқда. Шу билан бирга, янги иш ўринларининг яратилиши, электрон тижоратнинг ривожланиши ва онлайн таълимнинг кенгайиши бандлик даражасининг ошишига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг юксалишига олиб келмоқда [9]. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва бандликни таъминлашда катта салоҳиятга эга. Тадқиқот асосида қуйидаги илмий асосланган таклифлар илгари сурилади:

1. Рақамли инфратузилмани кенгайтириш, яъни интернет хизматларининг қамровини ва сифатини ошириш орқали рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга замин яратиш;

2. Аҳолининг рақамли саводхонлигини ошириш, давлат ва хусусий секторлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириб, аҳолининг турли қатламлари учун рақамли билим ва кўникмаларни ривожлантиришга йўналтирилган махсус дастурларни кенг жорий этиш;

3. Давлат хизматларини рақамлаштиришни кучайтириш орқали электрон ҳукумат тизимини янада такомиллаштириш ва давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнларини соддалаштириш;

4. Кичик ва ўрта корхоналарнинг электрон савдо платформаларига интеграциясини қўллаб-қувватлаш ҳамда электрон тўлов тизимларини такомиллаштириш орқали молиявий хизматларга кириш имкониятларини кенгайтириш;

5. Масофавий иш ва онлайн таълимни ривожлантириш орқали аҳоли, айниқса ёшлар

ва аёлларнинг масофавий ишга жалб этилишини кенгайтириш ҳамда уларни янги малакалар билан таъминлаш ва бандликни ошириш.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш минтақанинг глобал иқтисодий майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ушбу таклифларни амалга ошириш орқали минтақалар иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий фаровонликка эришиши мумкин. Рақамли иқтисодиёт фуқаролар учун қулайроқ ва даромадлироқ имкониятлар яратиш билан бирга, иқтисодий фаровонликни оширишга хизмат қилмоқда. Технологияга асосланган янги хизматлар ва даромад манбалари аҳолининг турмуш даражасини яхшилашда ёрдам беради ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликка ижобий таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши Ўзбекистон ва унинг минтақалари учун стратегик аҳамиятга эга бўлиб, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликнинг кучайиши келажакда иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий фаровонликни оширишда муҳим омил бўлиши кутилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2025 йил 26 декабрь. https://president.uz/oz/lists/view/8834.

2. Поланьи, К. Великая трансформация: политические и экономические истоки нашего времени. – СПб., 2002. – 321 с.

3. Теняков, И.М. Альтернативы стагнации российской экономики: новый геополитэкономический контекст/ И.М. Теняков, К.А. Хубиев, Д.Б. Эпштейн, А.В. Заздравных // Пространство экономики. - 2022. - №2. – С. 40-58.

4. Хуррамов А.Ф. Қишлоқ хўжалигида мулкий муносабатлар ва уларни ривожлантириш йўналишлари. Монография. –Т.: “Фан ва технологиялар”нашриёти, 2008. – Б.39.

5. Давронов Ж.М. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш тенденциялари. “Яшил иқтисодиёт ва тараққиёт” журнали, 2024 йил, №10.- Б.174.

6. Гулямов С.С., Р.Х.Эргашев, С.Н.Хамраева. Рақамли иқтисодиёт: - ўқув қўлланма. – Т.: 2020. – 377 б., Абдуллаев О, Фаттахов А., Ахмедов К. Рақамли иқтисодиёт. -Т.: “Lesson Press, нашриёти, 2020.– 686 б., Ayupov, R.X., Baltabaeva, G.R. (2018). Raqamli valyutalar bozori: innovatsiyalar va rivojlanish istiqbollari. –T: Fan va texnologiya, 2018.-172 b.

7. https://gtmarket.ru/ratings/networked-readiness-index.

8. https://gtmarket.ru/ratings/ict-development-index.

9. Mambetjanov Q, Bahromov Sh. O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyot rivojlanishining aholi bandligiga ta’siri. «Iqtisodiyot: tahlil va prognozlar» 2024 y., №4. - Б.56.